

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ,  
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,  
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,  
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**МАТЯКУБОВ МАНСУРБЕК БАХТИЯР ЎҒЛИ**

**ВИРУСЛИ ГЕПАТИТ В КАСАЛЛИГИНИНГ ЗАМОНАВИЙ  
ЭПИДЕМИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.30 – Эпидемиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ-2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Матякубов Мансурбек Бахтияр ўғли**

Вирусли гепатит В касаллигининг замонавий эпидемиологик хусусиятлари..... 3

**Матякубов Мансурбек Бахтияр угли**

Современные эпидемиологические особенности заболевания вирусного гепатита В..... 25

**Matyakubov Mansurbek Bakhtiyar ugli**

Modern epidemiological features of viral hepatitis B..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 52

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ,  
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,  
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,  
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**МАТЯКУБОВ МАНСУРБЕК БАХТИЯР ЎҒЛИ**

**ВИРУСЛИ ГЕПАТИТ В КАСАЛЛИГИНИНГ ЗАМОНАВИЙ  
ЭПИДЕМИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.30 - Эпидемиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ-2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.1.PhD/Tib2563 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юкумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Таджиев Ботир Мирхашимович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Искандарова Гулноза Тулкиновна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Турсунова Дилором Алимовна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд давлат тиббиёт университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси, Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юкумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100151, Тошкент ш., Учтепа тумани, Заковат кўчаси, 2А-уй. Тел: (+99871)243-36-05.

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган.). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел.: (+998 78) 150-78-25).

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2025 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ - рақамли реестр баённомаси).

**Л.Н. Туйчиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.У. Таджиева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Г.А. Ибадова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Дунёда профилактик ва даволаш тадбирларини такомиллашганига қарамай, болалар ўртасида гепатит ўлим ҳолатларининг асосий сабабларидан бири бўлиб келмоқда. ЖССТнинг маълумотларига кўра, «...187 мамлакатдан олинган янги маълумотлар шуни кўрсатадики, вирусли гепатитдан вафот этганлар сони 2019 йилдаги 1,1 миллиондан 2022 йилда 1,3 миллионга ошган, улардан 83% гепатит В, 17% гепатит С туфайли келиб чиққан»<sup>1</sup>. Европа минтақасида ҳар йили тахминан 171000 киши вирусли гепатитдан вафот этади, минтақада 13 миллиондан ортиқ одам сурункали гепатит В вирусини билан касалланган, Россия Федерациясида вирусли гепатит В билан 6-7 миллионга яқин касалланганлар рўйхатга олинган. Касалликни олдини олиш, эрта ташхислаш, даволашда янги вирусга қарши дори воситаларини қўлланишига қарамай, болалар ўртасида гепатитлар билан касалланиш ва унинг оқибатида ўлим ҳолатлари давом этмоқда. Бу муаммонинг долзарблиги вирусли гепатит В нинг ташхисоти ва профилактикасини такомиллаштириш лозимлигини белгилайди.

Жаҳонда вирусли гепатит В касаллигининг клиник кечиши, даволаш, эпидемиологик хусусиятларини ўрганиш, касалланишни олдини олиш самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилиб келинмоқда. Бу борада, вирусли гепатит В нинг клиникаси, эпидемиологияси, касалликни кечиши ва асоратларига боғлиқ ҳолда болаларда интеграл гематологик кўрсаткичларнинг хусусиятларини, вирусли гепатит В билан касалланган болаларнинг ёши, жинси ва касалликнинг асоратларини мавжудлигига боғлиқ ҳолда иммун тизимнинг гуморал бўғини параметрларини баҳолаш борасида қатор вазифаларни амалга зарур. Вирусли гепатит В нинг махсус профилактикасида қўлланиладиган вакциналардан фойдаланиш натижасида иммун жавобнинг барқарорлигини ўзгариши бўйича тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этиш ҳозирги кунда ҳам ўзига хос муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, эрта ташхисот усулларини такомиллаштириш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда ҳамда болаларда юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларни ривожланишини олдини олиш, эрта ташхислаш, самарали даволаш бўйича чора-тадбирларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, «... вирусли инфекциялар муаммолари бўйича илмий тадқиқотларни ўтказиш, касалликларни назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни ҳал этиш болаларда вирусли гепатит В касаллигининг ва вакцинанинг хусусиятлари аниқлаш, касалликка чалинган аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш ва касаллик ривожланишининг олдини олиш бўйича самарали чора-тадбирларни ишлаб

<sup>1</sup><https://www.who.int/news/item/09-04-2024-who-sounds-alarm-on-viral-hepatitis-infections-claiming-3500-lives-each-day>

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 16 майдаги 243-сон «Айрим долзарб вирусли инфекциялар тарқалишига қарши курашиш чора-тадбирларини такомиллаштириш тўғрисида» ги қарори.

чиқиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2022 йил 16 майдаги 243-сон «Айрим долзарб вирусли инфекциялар тарқалишига қарши курашиш чора-тадбирларини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, эпидемиологик жиҳатдан хавф гуруҳидагиларни (Еремеева Ж.Г. 2019.) ва аҳолини оммавий эмлашлар (Шулакова Н.И., 2017) орқали касалланишларни камайтириш муҳим аҳамиятга эга. Аммо вируснинг мутант шаклининг тарқалиши эмдорилар орқали бошқарилиши мумкин бўлган касалликнинг кўпроқ тарқалишида хавfli омил бўлиши мумкин (Асатрян М.Н. 2015). Россия Федерациясида ўтказилган кўплаб иммунологик тадқиқотлардан (Кузин С.Н. 2022й.) ҳаётининг 1-йилида эмланган 3-4 ёшли болаларнинг 45,0% да анти-NBs сақланиб қолганлиги такидланган ва анти-NBs нинг бунчалик тез йўқолиб кетишига вакцинопрофилактика дастурининг сифатсиз амалга оширилганлиги билан боғланган. Серонегатив шахсларнинг улуши ёш ортиши билан ошишини ҳаётининг дастлабки йилида эмланган 10-13 ёшдаги болалар билан 14-17 ёшдаги болалар орасида солиштириб кўриш орқали исботланган (Кочетова Е.О., Баликин В.Ф., 2022). Болаларни эмлаш карталари ва қон наъмуналардан иммунтаначаларни аниқлаш давомида эмлаш тартиби бузилган (25%) болаларда ГВ га қарши тўлиқ яқунланган болаларга (14%) қараганда антитаначаларнинг кам сақланиши аниқланган (Сковорода В.Д., Василева Д.А., 2022).

Юртимизда ўткир вирусли гепатит А, В, С, D, E нинг клиникаси, эпидемиологик хусусиятлари, ташхисоти ва даволаш бўйича илмий изланишлар амалга оширилган (Шарапов М.Б. 2001.). Ҳомиладор аёлларда сурункали гепатит В нинг клиник кечиши, касалликнинг вертикал йўл билан юқиши ва вакцинопрофилактика тактикалари ўрганилган (Ходжаева М.А. 2002.). Ўзбекистонда вирусли гепатит В га қарши эмдорининг самарадорлигига таъсир қилувчи молекуляр-генетик омилларни ўрганилган (Ибадуллаева Н.С. 2011). Болаларда гепатит В билан касалланишларнинг эпидемиологик хусусиятлари ва вакцинопрофилактикаси (Мирзабаев Д.С. 2011.) бўйича Тошкент шаҳрида ўтказилган изланишларда чала туғилган болаларда эмлаш тартибини бузилиши

ва касалланишларнинг эрта аниқлашда экспресс тест усуллари билан фойдаланишни самарадорлиги таъкидлаб ўтилган. Онкогематологик касалликлар билан оғриган болаларда вакцинопрофилактикани (Euvaх, Easyfive эмдориларининг) самарадорлигининг ёшга доир ўзгаришлари таҳлил қилинган (Даминова М.Н. 2014). Вирусли гепатит В нинг HBsAg- мутант шакли таъхисотида Real-Time ПЗР усулини қўллаш орқали ИФТ да манфий натижа берганларни аниқлаш имкониятини бериши очиб берилди (Арипов А.Н., Қурбонова Н.Н. 2014). Парентерал гепатитларнинг муаммоларини ўрганиш орқали касалликнинг юқиш йўллари, клиник кечиши, таъхисоти ва даволаш мезонлари ва касалликни олдини олиш бўйича янги маълумотлар берилди (Ахмедова Б.А. 2016.). Ўзбекистонда учровчи вирусли гепатит В ни 96,6% ҳолларда Д ва 3,1% ҳолатда А генотиплари тарқалганлиги тадқиқотларда аниқланган (Абдукадирова М.А. 2017.).

Муаллифлар Вирусли гепатит В га қарши эмдорини киритишдан олдин гепатит В билан касалланишлар даражасини солиштирдилар, хавф гуруҳига кирган болаларни эмлаш самарадорлигини ўргандилар. Гепатит В билан касалланган болаларда ўтказилган тадқиқотлар ва илмий адабиётларда келтирилган маълумотлар таҳлили эмлаш амалиётини киритилиши ортидан эмдорининг сақланиш даражаси ва ҳозирги кунда гепатит В билан касалланишнинг яширин шакллари билан болалар орасида учраши ҳақидаги тадқиқотлар олиб боришни талаб қилади. Миллий репрезентатив популяцион серологик текширувларнинг мавжуд эмаслиги сабабли мамлакатда сурункали ВГВ инфекциясининг тарқалишини аниқ баҳолашни қийинлаштиради. Бу ҳолатни янада аниқроқ тушуниш ва гепатит В га қарши курашнинг самарали стратегияларини ишлаб чиқиш учун бундай тадқиқотларни ўтказиш зарурлигини талаб қилади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий ишлари режасига мувофиқ «Ўзбекистонда сурункали вирусли гепатит В инфекциясининг болалар орасида тарқалиши серологик текшириш» номли амалий лойиҳа доирасида бажарилган (2022-2023 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади** вирусли гепатит В касаллигининг замонавий эпидемиологик хусусиятларини аниқлаш ва унинг эпидемиологик назоратини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Ўзбекистон Республикасида 1991-2023 йилларда қайд этилган вирусли гепатит В билан касалланиш кўрсаткичларини ретроспектив эпидемиологик таҳлили;

вирусли гепатит В га қарши эмлашгача ва эмлашдан кейинги даврда касалланиш кўрсаткичларини эпидемиологик таҳлили;

республика миқёсида 6-10 ёшли болалар орасида экспресс-тест, ИФТ

(HBsAg) усуллари ёрдамида вирусли гепатит В касаллигининг тарқалганлигини аниқлаш;

вирусли гепатит В га қарши эмланган 6 ойликдан 8 ёшгача бўлган болаларда анти-HBs миқдорини аниқлаш;

вирусли гепатит В нинг эпидемиологик назоратини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг 1991-2023 йиллардаги HBsAg ташувчанлик, ўткир вирусли гепатит В ва сурункали гепатитлар билан касалланиш кўрсаткичлари ҳақидаги расмий маълумотлари, республика бўйича 3833 нафар ва Тошкент шаҳридан 280 нафар болаларнинг эмлаш карталари - 063 шакллари олинган.

**Талқиқотнинг предмети** сифатида республика бўйлаб 3753 та, Тошкент шаҳрининг 2 туманидан 280 та ва РИЭМЮПКАИТМ га ташриф буюрган беморлар ва тиббиёт ходимлари фарзандларидан 164 нафарининг қон зардоби намуналари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари:** Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш ва мақсадга эришиш учун эпидемиологик (ретроспектив, оператив), серологик (иммунофермент таҳлили) ва статистик (Пирсон коэффициенти хи квадрат ( $\chi^2$ ) ва Фишер усули) усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

вирусли гепатит В билан касалланганлар асосан 2001-йилгача туғилганлар орасида эмланмаганлиги сабабли юзага келганлиги исботланган;

вирусли гепатит В га қарши иммунизация жараёни тўлиқ амалга оширилаётгани сабабли 6-10 ёш оралиғидаги болалар ўртасида HBsAg ташувчанлик 0,16% ни ташкил этиши билан асосланган;

вирусли гепатит В га қарши эмланган 6 ойликдан - 8 ёшгача бўлган болалар қон намуналарида анти-HBs нинг миқдори болаларнинг ёши ортишига тескари пропорционал ўзгариши (камайишда давом этиши) исботланган;

миллий эмлаш тақвими асосида вирусли гепатит В га қарши эмланганларни ёши ошган сари анти-HBs нинг миқдорини камайиши сабабли 18 ёшдан катта бўлган хавф гуруҳига киритилган шахсларга вакцинанинг бустер дозасини қўллаш асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Республика бўйича 1991-2023 йилларда қайд этилган вирусли гепатитлар билан касалланишнинг ретроспектив эпидемиологик таҳилида касалланганларнинг ёши, жинси ва ҳудудий фарқланиши аниқланган;

республика миқёсида 3753 нафар 6-10 ёшли болалар орасида экспресс-тест, ИФТ (HBsAg) усуллари ёрдамида вирусли гепатит В касаллигининг тарқалганлиги аниқланган;

вирусли гепатит В касаллигига қарши эмлашгача (1991-2000 йиллар) ва эмлаш давридаги (2001-2023 йиллар) касалланиш кўрсаткичларининг динамикаси таҳлил этилган;

вирусли гепатит В га қарши эмланган 6 ойликдан 8 ёшгача бўлган болаларда анти-HBs антитаначалар миқдори 75% дан 61% гача тушиши

аниқланган;

18 ёшдан ошганларни вирусли гепатит В га қарши бустер дозада эмлаш асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** диссертация ишида қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар ва соғлом текширилувчилар сонининг етарли эканлиги, тадқиқотларда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи эпидемиологик, серологик ҳамда маълумотларни замонавий статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, вирусли гепатит В билан касалланганлар эмланмаганлиги сабабли юзага келганлиги, вирусли гепатит В га қарши эмланганларни ёши ошган сари анти-НВs нинг миқдорини камайиши сабабли 18 ёшдан катта бўлган хавф гуруҳига киритилган шахсларга вакцинанинг бустер дозасини қўллаш зарурлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти болалар орасида вирусли гепатит В касаллигининг тарқалишини серологик «экспресс-тест ва ИФТ» текширувларга асосланганлиги, вирусли гепатит В га қарши эмланган 6 ойликдан - 8 ёшгача бўлган болалар қон намуналарида анти-НВsAg миқдори болаларнинг ёши ортишига тесқари пропорционал таъсири назарий асоси яратилганлиги билан вирусли гепатит В нинг эпидемиологик назоратини такомиллаштириш, сарф-харажатлар миқдорини камайтириш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 26 ноябрдаги 9-сонли йиғилиш баённомасига асосан илмий-тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга тадбиғи бўйича хулосасига кўра:

*биринчи илмий янгилик:* вирусли гепатит В билан касалланганларнинг асосан эмланмаган ёш гуруҳлари, 2001-йилгача туғилганлар орасида юзага келиши исботланганлиги Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология юқумли ва паразитар касалликлари илмий-амалий тиббиёт маркази хузуридаги эксперт кенгашда 16.04.2024 йил №3 м-р/41-сон билан тасдиқланган «Вирусли гепатит В касаллигининг замонавий эпидемиологик хусусиятлари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг Тошкент вилоят бошқармаси амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024-йил 26-ноябрдаги №9-сонли хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* аҳоли орасида вирусли гепатит В касаллигини эрта тўғри ташхислаш натижасида кўпроқ одамларни касалланишини олдини олиш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* вирусли гепатит В касаллиги ташхисотини эрта тўғри олиб бориш орқали ҳар бир нафар гепатит В касаллигини юқумли касалликлар

шифохонасида бир нафар беморни даволаниши учун ётоқ ўрни ва овқатланиши учун сарфланадиган ҳаражатларни иқтисод қилиш имконини беради.

*иккинчи илмий янгилик:* вирусли гепатит В га қарши иммунизация жараёни тўлиқ амалга оширилаётгани сабабли 6-10 ёш оралиғидаги болалар ўртасида HBsAg ташувчанлик 0,16% ни ташкил этиши билан асосланган бўйича таклифлар Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология юқумли ва паразитар касалликлари илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги эксперт кенгашининг 16.04.2024 йил №3 м-р/41-сон баённомаси билан тасдиқланган «Вирусли гепатит В касаллигининг замонавий эпидемиологик хусусиятлари» тўғрисидаги услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг Тошкент вилоят бошқармаси амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024-йил 26-ноябрдаги №9-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* болаларда вирусли гепатит В нинг эрта аниқланиши ортидан келажақда касаллик натижасида келиб чиқадиган асоратларини ва яширин ташувчанликни олдини олиш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* болаларда вирусли гепатит В ни ўз вақтида аниқлаш орқали вирусли гепатит В касаллигини юқумли касалликлар шифохонасида бир нафар беморни даволаниш учун сарфланадиган ҳаражатларини иқтисод қилиш имконини беради.

*учинчи илмий янгилик:* вирусли гепатит В га қарши эмланган 6 ойликдан - 8 ёшгача бўлган болалар қон намуналарида анти-HBs нинг миқдори болаларнинг ёши ортишига тескари пропорционал ўзгариши (камайишда давом этиши) исботланганлиги бўйича таклифлар Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология юқумли ва паразитар касалликлари илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги эксперт кенгашининг 16.04.2024 йил №3 м-р/41-сон баённомаси билан тасдиқланган «Вирусли гепатит В касаллигининг замонавий эпидемиологик хусусиятлари» тўғрисидаги услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг Тошкент вилоят бошқармаси амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024-йил 26-ноябрдаги №9-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* вирусли гепатит В га қарши эмланган болаларда анти-HBs ни аниқлаш орқали қайта эмлаш учун тавсия этилган мойил гуруҳларни ажратиб олишга имкон беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* анти-HBs ни аниқлаш касалланганларни даволанишида лаборатория таҳлиллари, диагностик текширувлар ва қўшимча бошча тор соҳа шифокорларнинг кўриги учун сарфланадиган ҳаражатларни иқтисод қилишга имкон беради.

*тўртинчи илмий янгилик:* миллий эмлаш тақвими асосида вирусли гепатит В га қарши эмланган 18 ёшдан катта бўлган хавф гуруҳига киритилган одамларга, ёши ошган сари анти-HBs нинг миқдорини камайиши сабабли, вакцинанинг бустер дозасини қўллаш асосланганлиги бўйича Республика

ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология юқумли ва паразитар касалликлари илмий-амалий тиббиёт маркази хузуридаги эксперт кенгашнинг 16.04.2024 йил №3 м-р/41-сон баённомаси билан тасдиқланган «Вирусли гепатит В касаллигининг замонавий эпидемиологик хусусиятлари» тўғрисидаги услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг Тошкент вилоят бошқармаси амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024-йил 26-ноябрдаги №9-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* 18 ёшдан сўнг анти-НВs нинг миқдори предиктив миқдордан паст бўлганларни вирусли гепатит В га қарши қайта бустер доза билан эмлаш орқали мойил гуруҳларни сонини камайтириб касалланишларнинг келажакда юзага келишини камайтиради. *Иқтисодий самарадорлиги:* қайта вакцина билан эмлаш орқали бир нафар бемор учун сарфланадиган ташхисот ва даволаниш учун сарфланадиган ҳаражатларни иқтисод қилиш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 9 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 5 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, шахсий изланишлар, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 115 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, изланишнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, олинган натижаларнинг ишонарлилиги асосланган, тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этиш, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Вирусли гепатит В нинг замонавий эпидемиологик хусусиятлари**» деб номланган биринчи бобида хорижий ва маҳаллий адабиётлардаги мавзуга доир илмий манбаларнинг таҳлили ёритилган. Вирусли гепатит В билан касалланиш даражасини дунё бўйича таҳлили, вирусли гепатит В эпидемиологик жиҳатлари, вирусли гепатит В касаллигини эпидемик жараёнининг ўзига хос хусусиятлари таҳлили ҳамда Вирусли гепатит В га қарши эмлашнинг эпидемиологик ва иммунологик самарадорлиги ҳақида маълумотлар баён этилган.


Диссертациянинг «**Вирусли гепатит В нинг замонавий эпидемиологик хусусиятлари бўйича тадқиқот материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот дизайни ва тадқиқот материаллари ҳамда усулларининг тавсифи келтирилган. Тадқиқотни олиб боришда эпидемиологик (ретроспектив таҳлил, оператив таҳлил) ва статистик усуллардан фойдаланилганлиги ёритилган.

Республика Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасидан олинган республикада 1991-2023 йилларда кузатилган вирусли гепатит В касаллиги (ВГВ) билан касалланиш ҳолатлари ва ВГВ га қарши вакциналар билан болаларнинг эмланиш даражалари бўйича расмий маълумотлар келтирилган бўлиб, ВГВ инфекцияси билан касалланиш даражасининг 100 000 аҳолига нисбатан интенсив кўрсаткичдаги қиймати, касалланиш ҳолатининг ўртача коэффиценти аниқлаган ҳолда ўрганилганлиги ҳамда касалланиш даражасининг республика ва маъмурий ҳудудлар бўйича қиёсий таҳлил маълумотлар берилган. Ҳамда ҳудудда яшовчи аҳоли сонига, жинсга, ёшга мувофиқ равишда таҳлил қилинган.

Республика бўйича 148 та мактабда 1-3 синфда таҳсил олаётган 3833 нафар болаларнинг эмлаш карталари ва 3753 нафар боланинг қон намуналарини экспресс тест ва ИФТ серологик текширув усуллари ёрдамида олинган натижалари таҳлил қилинган бўлиб, бунда болаларнинг ёши, ВГВ га қарши вакцина билан эмланишнинг қиёсий таҳлиллардан ўтказилган. Тошкент шаҳрининг 2 та туманидан 9 та поликлиника ҳудудида истиқомат қилувчи ВГВ га қарши эмланган 6 ойликдан 8 ёшгача бўлган болалар эмлаш карталари ва қон намуналари HBsAg га экспресс тест ва анти-HBs га ИФТ текширув натижалари таҳлил қилинган. Олинган натижаларга статистик ишлов беришда «Microsoft Excel» 2013 (XP), Epi-info, R ва SPSS дастуридан фойдаланилганлиги келтириб ўтилган.

Диссертациянинг «**1991-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасида вирусли гепатит В билан касалланиш кўрсаткичларининг ретроспектив эпидемиологик таҳлили**» деб номланган учинчи бобида Ўзбекистон Республикасидаги HBsAg ташувчанлик, вирусли гепатит В ва сурункали гепатитлар билан касалланиш кўрсаткичлари динамикаси маъмурий ҳудудлар кесимида қиёсий таҳлили натижалари ҳамда боб бўйича хулоса баён этилган.

Олинган натижаларга кўра, бунда 1999-2000 йилларда HBsAg ташувчанлик интенсив кўрсаткичларда мос равишда 52,4 ва 54,2 бўлганлиги қайд этилган. 1991 йилдан аҳоли орасида ЎВГВ билан касалланишнинг интенсив кўрсаткичи 149,65 ни ташкил қилиб, сўнги 33 йил ичида фақат пасайиш тенденцияси кузатилганлиги келтирилган ва таҳлил қилинган (1-расм).



**1-расм. 1991-2000-йилларда Ўзбекистон Республикасида ўткир вирусли гепатит В билан касалланиш кўрсаткичларнинг динамикаси.**

Республикада гепатит В вирусининг серологик ташхисоти йўлга қўйилгандан кейин ва ВГВ эмдориси билан дастлабки эмлашгача бўлган даврда (1999-2000 йиллар) вирусли гепатит В билан касалланиш кўрсаткичлари 100 минг аҳолига нисбатан ўртача 27,6 ва 29,4 ҳолатни ташкил этган.

1991-2000 йиллар давомида республика ҳудудлари бўйича ЎВГВ билан касалланишнинг таҳлили шуни кўрсатдики, эмлашгача бўлган даврда маъмурий ҳудудлар бўйича касалликнинг асосий улуши Тошкент шаҳри ва Фарғона вилоятига тўғри келган. Ўртача интенсив кўрсаткичлари мос равишда 157,7 ва 135,5 ни ташкил қилган бўлса республикада касалланишнинг ўртача интенсив кўрсаткичи 76,7 ни ташкил қилган.

Шундай қилиб, статистик маълумотларга кўра, Фарғона вилоятида 1991-1993-йилларда ЎВГВнинг энг кўп қайд этилиши 100 минг аҳолига нисбатан мос равишда 259,1; 210,6 ва 200,2 ни, Тошкент шаҳрида 1994-1996-йилларда 100 минг аҳолига нисбатан мос равишда 181,7; 287,8 ва 167,2 ни, худди шундай тенденция 1999-2001-йилларда ҳам аниқланган бўлиб, 100 минг аҳолига нисбатан мос равишда 56,4 ва 88,1 ташкил қилган, бу Ўзбекистон пойтахти ва унга ёндош вилоятларда аҳолининг энг зич жойлашганлиги, вирусли гепатитларни ташхислашнинг лаборатория ва инструментал текшириш усулларида фойдаланиш имконияти, шунингдек, аҳолининг ВГ бўйича профилактик текширувлар ўтказиш зарурати тўғрисида хабардорлиги, республиканинг бошқа ҳудудларига қараганда юқорилиги билан боғлиқ.

1991-йилда ЎВГВ билан аҳолининг касалланиши Тошкент вилояти, Наманган, Бухоро, Андижон, Самарқанд, Сурхандарё, Сирдарё, Қашқадарё, Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаларида мос равишда интенсив кўрсаткичлар 166,1; 149,2; 148,7; 132,98; 127,4; 125,1; 120,4; 114,9; 106,4; 91,3 ни ташкил қилган бўлса, 1999-йилда касалланишларнинг интенсив кўрсаткичлари вилоятлар бўйича мос равишда 26,8; 36,2; 16,4; 23,9; 23,7; 10,9; 26,6; 26,1; 16,3; 13,1 ни ташкил қилган. Таҳлил натижасига кўра 1991-1999 йиллар давомида касалланишнинг ҳудудлар бўйича 9 баробар юқори кўрсаткичдан 4 баробаргача камайгани кузатилган. Мустақилликнинг дастлабки 9 йилида касалланишларнинг жадаллик билан камайиши ҳудудларда санитар-гигиеник ҳолатларнинг яхшиланиши, профилактик тадбирларни кенг миқёсда олиб

борилиши ва тиббиёт ривожланишининг ўрни катта бўлганлигидир.

Статистик маълумотлар шуни кўрсатадики, сўнгги 20-йилдан кўпроқ вақт ичида хавф гуруҳидаги барча болаларни фаол эмлаш, шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимида юқимли касалликлар назоратининг яхшиланиши ортидан ЎВГВ билан касалланишнинг пасайиши кузатилмоқда (2001-й. 23,2 0/0000 дан 2023-й. 0,29 0/0000 гача,  $P < 0,001$ ). Бу билан эса аҳоли ўртасида 20 йилдан кўпроқ вақт ичида касалланишнинг интенсив кўрсаткичини 80 мартагача камайганлигини кўриш мумкин.

Сўнгги 5 йил ичида аниқланган ВГВни юқиш йўллари 2 та катта гуруҳга ажратиб таҳлил қилиш орқали, яъни: тиббий парентерал ( $52,3 \pm 0,84\%$ ) ва маиший-мулоқот ( $47,7 \pm 0,80\%$ ) юқиш йўллари сифатида ўрганилди. Парентерал йўл билан касалликнинг юқишида асосан стоматологик манипуляциялар ( $34,8 \pm 0,68\%$ ), турли хил инъекциялар ( $26,1 \pm 0,59\%$ ), жарроҳлик аралашувлар ( $17,4 \pm 0,48\%$ ) иштирок этганлиги аниқланди.

Республика маъмурий ҳудудлари бўйича юқиш йўллари аниқланиш даражалари бўйича таҳлилда Бухоро вилоятида ўткир вирусли гепатит В (ЎВГВ) билан касалланиш ҳолатларини юқиш йўллари 100% аниқланган, бу ерда тиббий муолажа билан боғлиқ юқиш йўллари (инъекция, лаборатория ташхисоти) ҳам, маиший мулоқотлар билан юқиш (маиший мулоқот ва сартарошхона ташрифи) йўллари ҳам бир хил даражада тез-тез қайд этилган. Қорақалпоғистон Республикасида ҳам ЎВГВ билан касалликнинг юқиш йўллари 100% ҳолатларда аниқланиши қайд этилган. Касалланишларнинг юқиш йўллари аниқлашнинг энг кам фоизлари Қашқадарё ( $54,8\%$ ) ва Жиззах вилоятларига ( $53,8\%$ ) тўғри келган. Республика бўйича инъекциялар ( $41,2\%$ ) ва стоматологик манипуляциялар қилиш ( $29,4\%$ ) билан боғлиқ касалланишларнинг энг юқори улуши Қашқадарё вилоятида қайд этилганлиги аниқланди. Тошкент шаҳрида ҳам  $62,5\%$  ҳолатларда касалликнинг юқиш йўли аниқланган. Юқиш йўли аниқланганларнинг ВГВ ШИИ ( $40,0\%$ ), ДПМдан ташқари ўтказилган инъекциялар ( $10,0\%$ ), маиший мулоқот йўли ( $30,0\%$ ) ва сартарошхона ташрифи ( $10,0\%$ ) ва жинсий йўл билан юқиш ( $10,0\%$ ) ни ташкил қилган. Республикада 1999-йилда гепатит В га қарши эпидемик кўрсатмага мувофиқ умумий уч дозали эмлаш ва 2001-йилдан бошлаб эса янги туғилган чақалоқларни оралаб умумий уч дозали вакциналар билан эмлашлар амалга ошира бошланди.

Ўткир вирусли гепатит В билан касалланиш динамикасининг таҳлили Ўзбекистон Республикаси бўйича эмлаш даврида, яъни 2001 йилдан 2023 йилгача, касалланишнинг 100 минг аҳолига нисбатан 28,2 дан 0,3 гача барқарор пасайиши кузатилди. ВГВ билан касалланишда 2001-йилда касалланганлар ичида болалар  $48,75\%$  ни, катталар  $51,25\%$  ни ташкил этган бўлса ( $n = 5828$ ), кейинчалик болалар ва катталар орасида касалланишнинг аста-секин пасайиб, болалар ўртасида касалланишнинг пасайиши кўпроқ жадалликда кечганлиги аниқланган. 2023-йилга келиб ВГВ билан касалланган болалар (14 ёшгача) нинг улуши жами 106 нафар бўлган беморлардан  $5,7\%$  ни ташкил этди ва катта ёшли беморларнинг улуши умумий касалланганларнинг  $94,3\%$  тенг бўлди. Бунда 2001-йилга нисбатан 2023-йилда 14 ёшли болаларда касалланишларнинг аниқланиши

мутлоқ рақамларда ҳисоблаганда 473,5 марта камроқни ташкил қилди, 14 ёшдан катталарда ҳам касалланишларнинг 29,7 мартагача камайганлиги, жами барча ёшлар бўйича 54,98 мартага пасайганлигини аниқланди.

2001-2015 йилларда болалар (14 ёшгача) ва катталар ўртасида касалланишнинг интенсив кўрсаткичлари таҳлили шуни кўрсатдики, болалар гуруҳида ўртача (2,37 0/0000) кўп йиллик касалланиш даражаси катталар гуруҳига (4,56 0/0000) қараганда 2,0 баравар паст бўлган, иккала ёш гуруҳида ҳам касалланишнинг пасайиш тенденцияси яққол намоён бўлди. 2016-йилдан бошлаб касалланишнинг ретроспектив таҳлили маълумотлари 17 ёшгача бўлган болалар гуруҳи таҳлилларга қўшилиши ортидан болалар ўртасида касалликнинг мутлақ ва интенсив қийматларининг пасайиш динамикасини кўрсатди, 2018-йилга келиб эса интенсив кўрсаткичнинг нол қийматигача пасайиш кузатилди. 2019-2023 йиллар оралиғида 17 ёшгача бўлган болалар гуруҳида интенсив кўрсаткичлар 0,02, 001 ва 0,03 гача ўзгаришни давом этди ва 17 ёшдан катталарда эса таҳлил қилинаётган йиллар давомида 2019-2020 йилларгача пасайишни давом этган бўлса, касалланиш кўрсаткичлари 2021 йилдан 2023 йилгача барқарор, яъни бир - бирига яқин даражаларда қайд этилишни давом этган. Таҳлил натижаларига асосан ўткир вирусли гепатитларнинг ойма-ой хисоботи бўйича сўнгги 4 йилда касаллик кўрсаткичлари йил бошидан кўтарилиб, июль ва август ойларида камайиши кузатилди ва қолган ойларда яна касаллик кўрсаткичлари нисбатан кўпроқ хисобга олинаётганлиги аниқланди. 2020-йилда ВГВ билан касалланиш кўрсаткичлари паст кўрсаткичларда аниқланганлиги сабабли таҳлил қилаётган сўнгги 3 йилда анча фарқланиб қолди.

2021-2023 йиллар давомида бир-бирига ўхшаш ҳолатлар сифатида август ва ноябр ойларида барча кузатаётган йилларда касалланишларнинг бир хилда камайишлари рўйхатга олинган. 3 та йилда ҳам март ойидан кейин касалланишларнинг қайд қилиниши қолган ойларга қараганда кўпроқни ташкил қилган. Яна шуни таъкидлаш жоизки, йил давомида касалланганларнинг мурожати тўлқинсимон қайд қилинган, бир меъёрда ҳар ойда касалликларни қайд қилиш учрамаган.

Жинс бўйича касалланишнинг кўп йиллик (2001-2023 йй.) динамикасини ретроспектив таҳлил қилиш шуни кўрсатдики касалланганлардан ўртача 37,63% ни аёллар ташкил этди, 2016-йилда минимал қиймат (32,05%) ва 2004-йилда максимал қиймат (47,85%)да рўйхатга олинган.

Шундай қилиб, жинс бўйича таҳлил бўйича эркак беморлар бутун кузатув даври давомида устунлик позициясини эгаллади. Таҳлил давомида шаҳар аҳолисининг ўртача кўп йиллик ВГВ билан касалланиш маълумотлар бўйича кўп йиллик (2001-2023 йй.) кўрсаткичи шуни кўрсатдики, 2004-йилгача шаҳарда рўйхатга олинган беморлар сони ўртача 0,77 бараварга ошган, 2005-йилдан бошлаб қишлоқ аҳолиси орасида ВГВ билан касалланган беморлар сони ўртача 1,6 бараварга барқарор ошган. Йиллар ўтиши билан қишлоқ шароитида ҳам замонавий ташхисот усулларининг кириб келиши ортидан касалланишларнинг нисбатан кўпроқ аниқланишига сабабчи бўлинган.

2001-2023 йиллардаги маълумотлари асосида барча касалланганларнинг

ёшлари бўйича таҳлил қилиб чиқилди. Бунда 1 ёшгача бўлган болалар 5% ни, 1-2 ёшдаги болалар 4% ни, 3-5 ёшдагилар 10% ни, 6-14 ёш болалар эса 13% ни ва 15 ёшдан ошганлар 68% ни ташкил қилганлиги аниқланди. 2001-йилда ЎВГВ билан касалланган 5 ёшгача бўлган болаларнинг сони 2118 нафарни, 2023 йилга келиб эса 4 тани ташкил қилгани аниқланди. Бундан кўриниб турибдики актив эмлаш жараёнлари амалиётда ўз самарасини бериш ортидан эпидемиологик вазият барқарорлашгани кузатилди.

СЭО ва ЖСКқ олинган маълумотлардан яна битта кўрсаткич HBsAg ташувчанликни рўйхатга олиш даражалари ҳисобланди. HBsAg ташувчанликни 2000-йилда ҳар 100 минг аҳолига 54,2 ҳолат қайд этилган ҳамда 2003-йилда 44,6 рўйхатга олинган бўлса 2004-йилда ҳар 100 минг аҳолига 49,3 ҳолат қайд этилган. 2005-йилдан кейин 100 минг аҳолига 42,3 ҳолат, 2013-йилда 100 минг аҳолига 32,3 ҳолат, 2014-йилда 34,2 гача тушган ва кейинги 2015-йилда эса 32,7 ҳолат қайд қилинган. 2020 ва 2021-йилларда касалликни аниқланишнинг паст қийматлари рўйхатга олинган бўлиб, афтидан янги COVID-19 пандемияси билан боғлиқ деб ҳисобланди ва 2022-2023 йилларда касалланиш кўрсаткичлари 12,3 ва 16,9 ҳолатларни қайд қилди. Статистик маълумотларга кўра, мамлакатимизнинг катта ёшли аҳолиси орасида сурункали гепатитлар билан касалланиш бутун кузатув даври давомида турли интенсивлик динамикасига эга бўлди.

Шундай қилиб, 2001-йилда 100 минг аҳолига нисбатан 15,04 бўлса, 2002-йилда сурункали вирусли гепатит рўйхатга олинishi 100 минг аҳолига 19,59 гача кўтарилди, 2006-йилда ўсиш давлари билан СВГ аниқланишининг 19,02 0/0000 гача камайishi кузатилди. Сўнгра, 2010-йилда 16,44 гача пасайиш фонида, 2011-йилда рўйхатдан ўтишнинг бироз ўсиши ортидан 16,68 0/000 гача қайд этилди ва 2020-йилда 4,6 0/0000 гача барқарор пасайган, аммо сўнги 3 йилда касалланиш кўрсаткичлари яна кўтарилиб борганлиги кузатилган. Таҳлил қилинган даврларда (2001-2023 йй.) турли жинслар бўйича СВГ билан касалланишда аёллар ўртача 45,77% ни ташкил этган, 2002 йилда энг паст қиймат (37,5%) ва 2017 йилда энг юқори қиймат (52,6%) рўйхатга олинган. Барча кузатувлар даврида СВГ билан касалланганларнинг кўпроғини эркаклар ташкил қилди.

Ўртача кўп йиллик маълумотлар бўйича шаҳар аҳолиси орасида СВГ аниқланиш даражасининг кўп йиллик таҳлили шуни кўрсатдики, 2005-йилгача шаҳарда рўйхатга олинган беморлар сони ўртача 1,08 бараварга ошган, 2005-йилдан бошлаб қишлоқ аҳолиси орасида СВГ билан касалланган беморлар сонининг ўртача 0,74 бараварга барқарор ўсиши кузатилди. Қишлоқ аҳолиси орасида СВГ билан касалланишнинг кўп учраши касалликни эрта даврида (ўткир гепатит билан касалланган вақтида) ўз вақтида эрта аниқланмаслиги билан боғлиқ.

Шундай қилиб, бутун аҳоли ўртасида ЎВГВ билан касалланиш динамикаси таҳлил қилинаётган даврларда доимий равишда пасайиш тенденцияси кузатилган. 2001-йилда интенсив кўрсаткич 29,4 ни, 2023-йилга келиб 0,29 ни ташкил этган. Бошқача айтганда, 22 йил ичида касалланишнинг интенсив кўрсаткичи 101,4 баробарга камайган. HBsAg ташувчанлик бўйича ҳам ўрганилаётган даврларда доимий равишда пасайиш тенденцияси кузатилган.

2001-йилда интенсив кўрсаткич 51,8 ни, 2023 йилда эса 16,9 ни ташкил этган ва 22 йил ичида касалланиш кўрсаткичи 3,1 баробарга камайди деб хулоса қилинса бўлади.

СВГ лар бўйича ҳам якуний хулоса сифатида шуни қайта таъкидлаш жоизки 2001-йилда касалланиш кўрсаткич 24,9 дан, 2023-йилга келиб 14,8 ни ташкил этди ва сўнги 22 йил давомида касалланиш 1,68 баробарга камайди. СВГ ларга нафақат СВГВ ва СВГС ҳам киради, болаларни гепатит В га қарши эмланиши ортидан, профилактик тадбирлар сифатида аҳолини тиббий билим савиясини ошириш ва тиббиёт ташхисотида кам инвазив усуллари қўлланилиши натижасида парентерал гепатитлар билан касалланишни камайишига эришилди. ВГВ лар билан сўнги йиллардаги касаланиш кўрсаткичлар бўйича маълумотлардан болаларни гепатит В га қарши эмлашнинг эпидемиологик самарадорлиги яққол даражада намоён бўлди.

Диссертациянинг «Ўзбекистон Республикасида болалар ўртасида HBsAg нинг тарқалганлиги ва вирусли гепатит В га қарши эмланган болаларда иммунологик таранглик ҳолатини баҳолаш» номли тўртинчи бобида республикада болалар ўртасида касалланиш ҳолатларининг учраши, уларнинг эмлаш карта маълумотлари бўйича иммунологик ҳолати ва серологик текширув натижаларининг таҳлиллари баён этилган. Тадқиқотда қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун республика бўйлаб 148 та мактабдан танлаб олинган синфлардан жами 3833 нафар болалардан (синфда 12-50 нафар, ўртача 29 нафар бола бўлган) сўровнома ва серологик текширувлар ўтказилди. Сўровномада иштирок этишга 3759 ( $98,07 \pm 0,16\%$ ) нафар боланинг ота-оналари/васийлари розилик билдиришди ва қон намуналари 3753 нафар ( $97,91 \pm 0,16\%$ ) боладан олинди. Эмлаш карталари 3833 нафар болаларда мавжуд бўлган.

Тадқиқотдаги қатнашувчилар ҳақида маълумот 3741 нафар ( $99,5 \pm 1,15\%$ ) болалар учун тўлдирилди; бунда 1932 нафар ( $51,64 \pm 0,12\%$ ) ўғил бола ва 1809 нафар ( $48,36 \pm 0,11\%$ ) қиз болалар қатнашди. Ёш ҳақидаги маълумотлари мавжуд бўлган 3710 нафар боланинг ўртача ёши 8 ёшни (6-10 ёш оралиғида) ташкил қилди.

Тадқиқотда иштирок этган 3753 нафар иштирокчидан 6 нафариди HBsAg га экспресс тест ва ИФТ натижалари ижобий натижалар берди, бу билан касалликнинг тарқалиши  $0,20\%$  ( $95\%$  ИО.  $0,09-0,38\%$ ) га тўғри келди. HBsAg мусбат бўлган 6 нафар боладан 3 нафари ( $50 \pm 2,88\%$ ) ўғил бола ва 3 нафари ( $50 \pm 2,88\%$ ) қиз бола, 5 нафари ( $83,33 \pm 3,71\%$ ) 8 ёшда ва 1 нафари ( $16,67 \pm 1,67\%$ ) 7 ёшда бўлган. Ушбу болалар Ўзбекистоннинг тўртта худудида - иккитадан Фарғона ва Самарқанд вилоятларида, биттадан Бухоро ва Сурхандарё вилоятларига тўғри келди. Фарғона вилоятидаги HBsAg-мусбат болалар бир мактабда, Самарқанд вилоятидаги HBsAg-мусбат болалар эса турли туманларда (мактабларда) истиқомат қилишади. Барча олти нафар бола туғилганда ўз вақтида гепатит В га қарши вакцинани ва жами  $\geq 3$  доза вакцина олган.

Ўзбекистон Республикасида болалар орасида HBsAg нинг тарқалганлиги вирусли гепатит В га нисбатан Европа худудий назорат мақсад кўрсаткичидан (касалланишнинг  $< 0,5\%$  гача тушириш) паст бўлганлик натижаси 20 йиллик

режали вирусли гепатит В га қарши эмлашлар ўз самарасини кўрсатганлигини англатади (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Ўзбекистонда болалар орасида HBsAgнинг тарқалганлиги ва болаларнинг эмланганлик ҳолати

Кўрсаткичлар	м.р.	Маълумотлар мавжуд бўлган иштирокчиларнинг умумий сони	%	Ишонч оралиғи 95%
HBsAg нинг тарқалганлиги				
HBsAg-мусбат	6	3753	0,16	0,20 (0,09-0,38)
HBsAg-манфий	3747	3753	99,84	99,80 (99,62-99,91)
Гепатит В га қарши эмланганлик ҳолати				
≥ 1 доза қабул қилган	3822	3833	99,7	99,8 (99,6-99,9)
Вакцина олмаган	11	3833	0,3	0,2 (0,1-0,4)
≥ 3 доза қабул қилган болалар	3745	3833	97,7	97,7 (97,2-98,1)
НерВ-BD қабул қилган	3635	3817	95,2	94,9 (94,1-95,5)
НерВ-BD ўз вақтида қабул қилган	3349	3592	93,2	93,7 (92,9-94,5)

**Изоҳ:** Уч гуруҳда (1 тада ошиқ вакцина қабул қилган, умуман вакцина қабул қилмаган ва 3 тадан ортиқ вакцина қабул қилган) болалар сони ўртасида таққослаш фарқлари статистик аҳамиятли.  $P < 0,05$ .

ВГВ га қарши эмлаш маълумотлари 3833 дан 3822 нафар болаларда мавжуд бўлган; гепатит В га қарши камида битта вакцина дозасини олган болалар 99,8% (95% ИО. 99,6-99,9%) ни ташкил қилган, гепатит В га қарши вакцинанинг ≥ 3 дозадан иборат тавсия этилган тўлиқ сериясини олганлар 3745 нафар, 97,7% (95% ИО. 97,2-98,1%) бўлган. Туғилганда олинган вакцина ҳақида маълумот берилган 3817 нафар боладан 3635 нафари НерВ-BD 94,9% (95% ИО. 94,1-95,5%) қабул қилган.

НерВ-BD 3592 нафар боладан 3349 нафари ўз вақтида қабул қилган, уларда туғилган санаси ва эмланган саналари кўрсатилган бўлиб, фоиз улуши 93,7% (95% ИО. 92,9 - 94,5%) ташкил қилди. Яна 180 нафар ўртача 4,7% (95% ИО. 4,1 - 5,5%) бола 2-7 кунлигида НерВ-BD билан эмланган; қолган 63 нафар ўртача 1,6% (95% ИО. 1,2 - 2,0%) бола туғилгандан 8-30 кун ўтиб НерВ-BD билан эмланган.

Тадқиқотнинг иккинчи босқичида 280 нафар (6 ойликдан - 8 ёшгача) болаларнинг эмлаш карталари ўрганиб чиқилди, уларнинг 21 нафарида (7,5%) эмлаш карталари мавжуд бўлмаганлиги сабабли эмланганлик даражаси бўйича маълумотлар олишликнинг иложи бўлмади, қолган 212 нафари (75,7%) гепатит В

га қарши вакцинанинг 4 та дозасини, 25 нафари (8,9%) вакцинанинг 3 та дозасини, 7 нафари (2,5%) вакцинанинг 2 та дозасини, 15 нафари (5,4%) вакцинанинг 1 та дозаси билан эмланганлиги аниқланди. Эмлаш карталари мавжуд болаларнинг карта маълумотларини таҳлил қилинганда вирусли гепатит В касаллигига қарши вакциналар билан 100% болалар эмланганлиги, 3 ва ундан кўпроқ вакцина дозаларини қабул қилган болаларнинг улуши эса 91,5%ни ташкил қилганлиги аниқланди. ВГВ га қарши эмланган болалар ёшининг вакцина дозалари билан эмланганлик даражаларига нисбати ўрганилганда куйидаги маълумотлар олинди:

Барча ёшдаги болаларнинг камида 71,7% ва кўпи билан 100% эмдорининг 3 ва ундан ортиқ доза қабул қилган, жами барча ёшдаги болаларнинг 91,5% эмдорининг 3 ва ундан ортиқ доза қабул қилганлиги қайд этилди. Эмдори қабул қилган барча ёшдагиларнинг ўртасида фақат 1 та эмдори дозасини олганлар 5,7% ни, 2 та эмдори дозасини олганлар 2,7% ни ташкил қилганлиги аниқланди.

Болаларнинг эмлаш карталарини тўлиқ таҳлилдан ўтказиш давомида бола туғилганда эмланадиган доза (НерВ-ВD) ҳам ўрганилди (2-жадвал).

Бунда бола туғилган кунининг ўзида 151 нафар (62,7%) бола, туғилганидан 1 кун ўтиб вакцина олган болалар 84 нафарни (34,9%), 2 кундан кейин қабул қилганлар 3 нафарни (1,2%), 3 кундан кейин қабул қилганлар 1 нафарни (0,4 %) ва 5-6 кундан кейин қабул қилганлар 1 нафардан (0,4 %) ташкил қилганлиги ва уларни тўлиқ вақтида эмланганлиги бўйича таҳлил умумлаштириб 0-1 кун ичида вакцина олган болаларнинг улуши туғуруқхонада эмланган болаларнинг 97,5% ни ташкил қилган бўлиб, қолган 6 нафар (2,5%) бола эса 2-6 кундан сўнг эмланганлиги аниқланди.

## 2- жадвал

### Вирусли гепатит В га қарши вакцинанинг 1-дозасини олган вақти бўйича болаларнинг тақсимооти

1-вакцина олган кун ва туғилган кун орасидаги фарқлари	м.р.да	%	Ўз вақтида олганлик (%)
0	151	62,7	97,5
1-кун	84	34,9	
